

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, қуйида «ЮНЕСКО» деб юритилади, 2003 йилнинг 29 сентябрдан 17 октябргача Париж шаҳрида ўзининг 32-сессиясига йиғилиб,

Инсон ҳуқуқлари бўйича мавжуд халқаро-ҳуқуқий актларга, хусусан, 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, 1966 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактга ҳамда 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактга **асосланиб**,

1989 йилда қабул қилинган Фольклорни сақлаш бўйича ЮНЕСКО тавсияномаларида, 2001 йилда қабул қилинган ЮНЕСКОнинг Маданий ранг-баранглик бўйича умумжаҳон декларациясида ва 2002 йилда қабул қилинган Истанбул декларациясида номоддий маданий мероснинг маданий турли-туманлик негизи ва барқарор тараққиёт кафолати сифатида алоҳида таъкидланганини **эътиборга олиб**,

номоддий маданий мерос ҳамда моддий маданий ва табиий мероснинг ўзаро узвий боғлиқлигини **инобатга олган ҳолда**,

глобаллашув ва ижтимоий ўзгаришлар жараёни ҳамжамиятлар ўртасида ўзаро мулоқот ўрнатиш учун қулай замин яратиш билан бир қаторда мурасизликнинг келиб чиқиши, деградацияланишнинг жиддий таҳдид манбаи бўлиши, хусусан, номоддий маданий меросни сақлаш бўйича маблағларнинг етишмаслиги оқибатида унинг йўқолиб кетиш ва бузилиб кетиш хавфига айланганлигини **тан олиб**,

инсониятнинг номоддий маданий меросни муҳофаза этиш йўлидаги умумий интилишларини, саъй-ҳаракатларини ва бу борадаги умумий хавотирни чуқур **англаган ҳолда**,

ҳамжамиятлар, хусусан туб аҳолига мансуб ҳамжамиятлар ва айрим ҳолларда алоҳида шахсларнинг номоддий маданий меросни барпо этишда, муҳофаза қилишда, сақлашда ва қайта бунёд этишда, ва шу тариқа маданий турли-туманликни бойитишда ва инсониятнинг ижодкорлик қобилиятини оширишда муҳим роль ўйнашини **тан олиб**,

ЮНЕСКОнинг маданий меросни муҳофаза қилишга қаратилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга йўналтирилган фаолияти, хусусан, 1972 йилда қабул қилинган Умумжаҳон маданий ва табиий меросини сақлаш тўғрисидаги конвенция муҳим аҳамият касб этишини алоҳида **эътироф этиб**,

ҳозирги кунда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича кўп томонлама мажбурий ҳуқуқий актнинг мавжуд эмаслигини **таъкидлаб**,

маданий ва табиий меросни сақлаш бўйича халқаро шартномаларни, амалдаги тавсия ва резолюцияларни номоддий маданий мерос соҳасидаги янги қоидалар билан бойитиш ва самарали тўлдиришнинг муҳимлигини **ҳисобга олган ҳолда**,

номоддий маданий мерос ва уни сақлашнинг муҳимлиги, айниқса, ёш авлодлар томонидан чуқур ҳис этилиши кераклигини **инобатга олиб**,

халқаро ҳамжамият билан иштирокчи-давлатлар ўзаро ҳамкорлик ва ёрдам кўрсатиш руҳида мазкур меросни сақлашга кўмаклашишлари лозимлигини **ҳисобга олиб**,

ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос соҳасидаги дастурлари, хусусан, инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналарини эълон қилгани ҳақида **эсга олиб**,

номоддий маданий мероснинг кишилар ўртасида ўзаро яқинлашувга, мулоқотга, ўзаро тушунишга омил сифатидаги бебаҳо ролини **эътиборга олиб**,

2003 йил 15 октябрда мазкур Конвенцияни **қабул қилади**.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Конвенция мақсадлари

Қуйидагилар Конвенциянинг мақсадлари ҳисобланади:

- a) номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш;
- b) тегишли ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва алоҳида шахсларга мансуб номоддий маданий меросни ҳурмат қилиш;
- c) номоддий маданий мероснинг муҳимлигига ва маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсда унинг умум томонидан тан олиншига эътиборни жалб қилиш;
- d) халқаро ҳамкорлик ва ёрдам кўрсатиш.

2-модда. Тушунчалар

1. «Номоддий маданий мерос» тушунчаси урф-одатларни, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, билимлар ва кўникмаларни, шунингдек, улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар, артефактлар ва маданий маконларни акс эттиради, улар эса ўз навбатида ҳамжамиятлар, гуруҳлар томонидан, алоҳида ҳолатларда эса муайян шахс маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинганлигини англатади. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган бундай номоддий маданий мерос доимо муайян ҳамжамиятлар ва гуруҳлар томонидан уларнинг атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига боғлиқ ҳолда яратилади ва бу уларда ўзига хосликни, ворислик туйғусини шакллантиради ҳамда шу билан инсоният ижодини ва маданий турли-туманликнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашади. Мазкур Конвенциянинг мақсадлари учун инсон ҳуқуқлари соҳасида амалдаги халқаро ҳуқуқий актлар билан мувофиқлаштирилган ҳамда турли ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва шахслар ўртасида ўзаро ҳурматни йўлга қўйиш талабларига, шунингдек барқарор тараққиёт талабларига мос тушувчи номоддий маданий меросгина эътиборга олинади.

2. «Номоддий маданий мерос», 1-бандда таърифланганидек, жумладан қуйидаги соҳаларда намоён бўлади:

- a) ўзликни намоён этишнинг оғзаки анъаналари ва шакллари, шу жумладан, айна пайтда тил-номоддий маданий меросни акс эттирувчи омил сифатида;
- b) ижро санъатида;
- c) жамиятнинг урф-одатлари, маросимлари, байрамлари;
- d) табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар йиғиндиси;
- e) анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар.

3. «Муҳофаза» сўзи номоддий маданий мерос ҳаётийлигини таъминлаш, шу билан бирга, уни идентификациялаш, ҳужжатлаштириш, тадқиқ қилиш, сақлаш, ҳимоя қилиш, оммалаштириш, ролини ошириш, тарғиб қилиш чораларини, асосан расмий ва норасмий таълим ёрдамида амалга ошириш, ҳамда бундай мероснинг турли жиҳатларини қайта барпо этиш деган маънони англатади.

4. «Иштирокчи-давлатлар» деганда ушбу Конвенцияга қўшилган ва ўзаро муносабатларида унга амал қилаётган давлатлар назарда тутилади.

5. Ушбу Конвенция 33-моддада кўрсатилган ҳудудларга нисбатан *mutatis mutandis* қўлланади ва ушбу ҳудудлар мазкур моддада кўрсатилган шартлар асосида унинг иштирокчиларига айланади. Шу тариқа «иштирокчи-давлатлар» ибораси ушбу ҳудудларга нисбатан ҳам қўлланади.

3-модда. Бошқа халқаро-ҳуқуқий актлар билан алоқадорлик

Ушбу Конвенциядаги ҳеч бир нарса:

а) 1972 йилда қабул қилинган маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш конвенцияси доирасида жаҳон мероси сифатида тан олинган қадриятларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ бўлган номоддий маданий мероснинг бирор бир унсурини муҳофаза қилишнинг ўзгарувчан мақоми ёки қамаювчан даражаси; ёки

б) иштирокчи-давлатларнинг ўзлари аъзо бўлган ҳар қандай халқаро-ҳуқуқий актлардан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда интеллектуал мулкка ёки биологик ва экологик манбалардан фойдаланишга оид ҳуқуқлари сифатида талқин қилиниши мумкин эмас.

II. КОНВЕНЦИЯ ОРГАНЛАРИ

4-модда. Иштирокчи-давлатларнинг Бош ассамблеяси

1. Ушбу моддага асосан Бош ассамблея ташкил этилади ва бундан кейин «Бош ассамблея» деб юритилади. Бош ассамблея ушбу Конвенциянинг олий органи ҳисобланади.

2. Бош ассамблея икки йилда бир марта ўзининг навбатдаги сессиясига йиғилади. Бош ассамблея ўзининг навбатдан ташқари сессиясини, агар бу тўғрида махсус қарор қабул қилинган Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмита илтимоси ёки иштирокчи-давлатларнинг камида учдан бир қисми илтимосига қўра ўтказиши ҳам мумкин.

3. Бош ассамблея ўз Иш тартиби қоидаларини қабул қилади.

5-модда. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмита

1. Мазкур моддага асосан, ЮНЕСКО қошида Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмита ташкил этилади ва у қуйида «Қўмита» деб юритилади. Қўмита Конвенция кучга кирганидан сўнг, унинг 34-моддасига мувофиқ Бош ассамблеяда иштирокчи-давлатлар томонидан сайланган 18 та иштирокчи-давлат вакилларида иборат бўлади.

2. Конвенция иштирокчи-давлатлари сони 50 тага етса, Қўмига аъзо-давлатлар сони 24 тагача оширилади.

6-модда. Қўмига аъзо-давлатларнинг сайланиши ва ваколат муддатлари

1. Қўмига аъзо-давлатларнинг сайланиши адолатли жуғрофий тақсимот ва ротация принципи асосида амалга оширилади.

2. Қўмига аъзо-давлатлар тўрт йил муддатга Бош ассамблея сессиясида Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари томонидан сайланади.

3. Бироқ Қўмитанинг илк сайловлар мобайнида сайланган аъзолари ярмининг ваколат муддати икки йил ҳисобланади. Ушбу давлатлар илк сайловлар давомида қўра ташлаш йўли билан аниқланади.

4. Ҳар икки йилда Бош ассамблея Қўмига аъзо-давлатларнинг ярим таркибини янгилаб туради.

5. Шунингдек, Бош ассамблея бўш ўринларни тўлдириш учун зарур миқдорда Қўмига аъзо-давлатларни сайлайди.

6. Қўмига аъзо-давлат кетма-кет икки муддатга сайланиши мумкин эмас.

7. Қўмига аъзо-давлатлар ўз вакиллари сифатида номоддий маданий мероснинг турли соҳалари бўйича юксак иқтидорга эга шахсларни танлайдилар.

7-модда. Қўмига функциялари

Мазкур Конвенция томонидан ўзига белгилаб берилган бошқа ваколатларга зарар етказмаган ҳолда Қўмитанинг функциялари қуйидагилардан иборат:

а) Конвенция мақсадларига эришишга қўмаклашиш, унинг амалга оширилишини назорат қилиш ва қўллаб-қувватлаш;

б) илғор амалиётга оид маслаҳатлар бериш ва номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш чоралари бўйича тавсияномалар тайёрлаш;

- с) 25-моддага мувофиқ Жамғарма маблағидан фойдаланиш режаси лойиҳасини тайёрлаш ва уни Бош Ассамблеяга тасдиқлаш учун тақдим этиш;
- д) Жамғарма захираларини ошириш ва шу мақсадда 25-моддага мувофиқ зарур чораларни кўриш;
- е) Конвенцияни амалга ошириш бўйича тезкор кўрсатмалар тайёрлаб, Бош ассамблеяга тасдиқлаш учун тақдим этиш;
- ф) 29-моддага мувофиқ иштирокчи-давлатлар ҳисоботини муҳокама қилиш ва уларнинг мухтасар тақризини Бош ассамблеяга тақдим этиш;
- г) Иштирокчи-давлатлар тақдим этган аризаларни кўриб чиқиш ва Қўмита томонидан ўрнатилган ва Бош ассамблея тасдиқланган танловининг объектив мезонларига мувофиқ тегишли қарорларини қуйидагилар асосида қабул қилиш:
 - (i) 16-, 17-, ва 18-моддаларда қайд этилганига мувофиқ аризаларни ва таклифларни рўйхатга олиш.
 - (ii) 22-моддага мувофиқ халқаро ёрдам кўрсатиш.

8-модда. Қўмита иш усуллари

1. Қўмита Бош ассамблея олдида ҳисобот беради. У Бош Ассамблеяга бутун фаолияти ва қабул қилган қарорлари тўғрисида ҳисобот беради.
2. Қўмита ўз Иш тартиби қоидаларини аъзо-давлатларнинг учдан икки қисми овози асосида қабул қилади.
3. Қўмита ўз олдида турган вазифаларни амалга ошириш мақсадида вақтинчалик асосда махсус маслаҳат органларини ташкил этиши мумкин.
4. Қўмита ўз йиғилишларига ҳар қандай давлат ёки хусусий ташкилотларни, шунингдек, номоддий маданий мерос соҳасида етарли малакага эга бўлган хусусий шахсларни муайян масалалар юзасидан маслаҳат олиш мақсадида таклиф этиши мумкин.

9-модда. Маслаҳатчи ташкилотлар аккредитацияси

1. Қўмита Бош ассамблеяга номоддий маданий мерос соҳасида тан олинган ноҳукумат ташкилотларни аккредитация қилиш таклифини кўриб чиқиш учун тақдим этади. Бу ташкилотлар Қўмитага нисбатан маслаҳатчилик вазифасини бажаради.
2. Қўмита, шунингдек, Бош ассамблеяга юқорида қайд этилган аккредитация мезонлари ва шартларини кўриб чиқиш учун тақдим этади.

10-модда. Котибият

1. ЮНЕСКО Котибияти Қўмитага кўмаклашади.
2. Котибият Бош ассамблея ва Қўмита учун ҳужжатларни ҳамда мажлисларининг кун тартиби лойиҳаларини тайёрлайди ва улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

III. НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ

11-модда. Иштирокчи-давлатларнинг роли

Ҳар бир иштирокчи-давлат:

- а) ўз ҳудудида жойлашган номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича тегишли чораларни кўриши лозим;
- б) 2-модданинг 3-бандида қайд этилган муҳофаза қилиш чоралари доирасида ўз ҳудудида мавжуд бўлган номоддий маданий мероснинг турли хил унсурларини ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва тегишли ноҳукумат ташкилотлар иштирокида идентификациялаши ва аниқлаши лозим.

12-модда. Рўйхатлар

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш мақсадида идентификациялаш шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўз ҳудудида мавжуд бўлган номоддий маданий мерос объектларининг бир ёки бир нечта рўйхатини тузади. Бу рўйхат мунтазам равишда янгилаб турилиши лозим.

2. Қуйида, 29-моддага мувофиқ ҳар бир иштирокчи-давлат Қўмигага мунтазам равишда ўз хисоботини бериб борар экан, ушбу рўйхатлар тўғрисида ҳам тегишли маълумотномаларни тақдим этади.

13-модда. Муҳофаза қилишнинг бошқа чоралари

Ҳар бир иштирокчи давлат ўз ҳудудида мавжуд бўлган номоддий маданий меросни муҳофаза қилишни таъминлаш, ривожлантириш ва ролини ошириш учун қуйидаги мақсадларда:

- a) номоддий маданий мероснинг жамиятдаги ролини ошириш ва ушбу меросни муҳофаза қилишни режалаштириш дастурига киритишга йўналтирилган умумий сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- b) ўз ҳудудида мавжуд бўлган номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга ихтисослашган бир ёки бир нечта ваколатдор ташкилотни аниқлайди ёки ташкил этади;
- c) номоддий маданий меросни, хусусан, хавф остида бўлган номоддий маданий меросни самарали муҳофаза қилиш мақсадида илмий, техникавий, санъатшунослик соҳасидаги тадқиқотларга, шунингдек, илмий-тадқиқот методологияларини ишлаб чиқишга яқиндан кўмаклашади;
- d) қуйидаги вазифаларга йўналтирилган ҳуқуқий, техникавий, маъмурий ва молиявий чораларни кўради:
 - i) номоддий маданий меросни бошқариш соҳасида кадрлар тайёрловчи муассасаларни ташкил этиш ёки мустаҳкамлашга кўмаклашиш, шунингдек, ушбу меросни турли анжуманлар ва уни маконларда кенг тақдим этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар орқали таништириш ва тарғиб этиш;
 - ii) номоддий маданий мероснинг у ёки бу жиҳатларидан фойдаланиш имкониятини тартибга солиш, қабул қилинган қоидаларга қатъий риоя қилиш тамойилини амалга жорий этиш асосида номоддий маданий меросдан фойдаланиш имкониятини ошириш;
 - iii) номоддий маданий меросни ҳужжатлаштириш билан шуғулланувчи муассасаларни барпо этиш ва улардан фойдаланишни енгиллаштириш.

14-модда. Таълим, жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириб бориш ва салоҳиятни мустаҳкамлаш

Ҳар бир иштирокчи-давлат ўз ихтиёрида бўлган воситаларни қуйидагиларга йўналтиради:

- a) номоддий маданий мероснинг жамиятда кенг тан олинishi, ҳурмат қилиниши ва эътироф этилиши жараёнига, хусусан, қуйидаги воситалар орқали кўмаклашиш:
 - i) таълим дастурлари орқали жамоатчиликнинг, хусусан, ёшларнинг номоддий маданий мерос тўғрисидаги билимларини ошириш;
 - ii) таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида тегишли ҳамжамиятларга ва гуруҳларга мўлжалланган аниқ дастурлар ишлаб чиқиш;
 - iii) номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш соҳасида, хусусан, бошқарув ва илмий тадқиқот масалалари билан боғлиқ имкониятларни ошириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
 - iv) билимларни тарқатишнинг норасмий усуллари билан фойдаланиш;
- b) номоддий маданий меросга хавф солаётган таҳдидлар, шунингдек, мазкур Конвенциянинг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган тадбирлар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб туриш;
- c) номоддий маданий меросни намоён этиш учун керак бўлган табиий маконлар ва тарихий жойларни ҳудудларини муҳофаза қилиш соҳасидаги таълимга кўмаклашиш;

15-модда. Ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва алоҳида шахсларнинг иштироки

Ҳар бир иштирокчи-давлат номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш доирасида шундай меросни бунёд этиш, муҳофаза қилиш ва тақдим этиш билан шуғулланувчи ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва алоҳида шахсларнинг имкон қадар кенг иштирокини таъминлашга

ҳаракат қилади ҳамда уларнинг бундай меросни бошқаришга жалб қилинишлари ва фаол иштирок этишлари учун кўмаклашади.

IV. НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

16-модда. Инсониятнинг номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхати

1. Номоддий маданий мероснинг кенг оммавийлигини таъминлаш, унинг моҳиятини ва маданий турли-туманликни ҳурмат қилиш асосида ўзаро мулоқотни рағбатлантириш мақсадида тегишли иштирокчи-давлатлар таклифига кўра Қўмита инсониятнинг номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатини тузади, янгилайди ва чоп этади.
2. Қўмита Репрезентатив рўйхатни тайёрлаш, янгилаш ва чоп этиш мезонларини ишлаб чиқади, Бош ассамблея эса уни тасдиқлайди.

17-модда. Кечиктириб бўлмас муҳофазага муҳтож номоддий маданий мерос рўйхати

1. Қўмита Кечиктириб бўлмас муҳофазага муҳтож номоддий маданий мерос Рўйхатини тегишли муҳофаза чораларини кўриш мақсадида тузиб чиқади, янгилаб туради ва чоп этади ҳамда тегишли иштирокчи-давлат илтимосига кўра бундай меросни Рўйхатга олади.
2. Қўмита ушбу Рўйхатни тайёрлаш, янгилаш ва чоп этиш мезонларини ишлаб чиқади, Бош ассамблея эса уни тасдиқлайди.
3. Фавқулодда кечиктириб бўлмас ҳолатларда Қўмита тақдим этган таклифга кўра Бош ассамблея тасдиқлаган объектив мезонлар асосида, Қўмита манфаатдор иштирокчи-давлат билан маслаҳатлашган ҳолда бундай мерос унсурини юқоридаги 1-бандда кўрсатиб ўтилган Рўйхатга киритиши мумкин.

18-модда. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича дастурлар, лойиҳалар ва тадбирлар

1. Иштирокчи-давлатлар таклифи асосида қабул қилинган ва Бош ассамблея томонидан тасдиқланган мезонларга мувофиқ ҳолда Қўмита даврий танловни ўтказиши ва ривожланаётган давлатлар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, мазкур Конвенциянинг мақсад ва принципларини яққолроқ акс эттирадиган номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича миллий, суб-минтақавий ва минтақавий дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларнинг амалга оширилишига кўмаклашади.
2. Шу мақсадда у иштирокчи-давлатларга халқаро ёрдам кўрсатилиши учун улар томонидан билдирилган таклифлар асосида тақдим этилган аризаларни қабул қилади, кўриб чиқади ва тасдиқлайди.
3. Қўмита ўзи белгилаган шаклда илғор амалиётни жорий қилган ҳолда турли дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларнинг амалга оширилишига ҳамроҳлик қилади.

V. ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ЁРДАМ

19 модда. Ҳамкорлик

1. Мазкур Конвенциянинг мақсадлари йўлида амалга ошириладиган халқаро ҳамкорлик, хусусан, ахборот ва малака алмашиш, қўшма ташаббуслар билан чиқиш, шунингдек иштирокчи-давлатларга уларнинг номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларига ёрдам кўрсатиш механизмини ишлаб чиқишни кўзда тутди.
2. Миллий қонунчилик ва одат ҳуқуқи нормалари ва амалиётга зиён етказмаган ҳолда иштирокчи-давлатлар номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бутун инсоният манфаатларига мос келишини тан оладилар ва шу мақсадда улар икки томонлама, субминтақавий, минтақавий ва халқаро миқёсда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини зиммаларига оладилар.

20-модда. Халқаро ёрдамнинг мақсадлари

Халқаро ёрдам қуйидаги мақсадларда кўрсатилиши мумкин:

- a) Кечиктириб бўлмас муҳофазага мухтож номоддий маданий мерос рўйхатига киритилган меросга ёрдам кўрсатиш;
- b) 11- ва 12-моддаларнинг мазмунига мувофиқ рўйхатлар тайёрлаш;
- c) номоддий маданий мерос муҳофаза қилинишига қаратилган миллий, субминтақавий ва минтақавий миқёсдаги дастурларни, лойиҳаларни ва тадбирларни қўллаб-қувватлаш;
- d) Қўмита лозим деб топган бошқа мақсадлар учун.

21-модда. Халқаро ёрдам шакллари

Қўмита томонидан иштирокчи-давлатларга кўрсатиладиган ёрдам юқоридаги 7-моддада кайд этилган тезкор кўрсатмалар, шунингдек, 24-моддада кўзда тутилган ахдлашувларга мувофиқ тартибга солинади ва қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- a) муҳофаза қилишнинг турли жиҳатларига доир тадқиқотлар;
- b) мутахассис ва амалиётчи ходимлар хизматини таклиф этиш;
- c) зарур бўлган барча кадрларни тайёрлаш;
- d) меъёрий ва бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- e) инфратузилмалар яратиш ва уларнинг ишлашини таъминлаш;
- f) жиҳозлар ва ноу-хау билан таъминлаш;
- g) бошқа молиявий ва техник ёрдам, шу жумладан, муайян ҳолатдан келиб чиққан ҳолда кичик фойзли займлар ва беғараз ёрдамларни таклиф этиш.

22-модда. Халқаро ёрдам кўрсатиш шартлари

1. Қўмита халқаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди ва ушбу аризаларда кўзда тутилаётган чора-тадбирлар, зарур вазифалар ва улар билан боғлиқ харажатларни баҳолаш каби масалаларни аниқлайди.
2. Кечиктириб бўлмас ҳолатларда ёрдам кўрсатилиши учун берилган аризаларни Қўмита устуворасослар каторида кўриб чиқади.
3. Қўмита қарор қабул қилиш мақсадида ўзи зарур деб топган тадқиқотлар ва маслаҳатлашувларни олиб боради.

23-модда. Халқаро ёрдам олиш учун ариза бериш

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат Қўмитага ўз ҳудудида мавжуд бўлган номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш мақсадида халқаро ёрдам олиш учун ариза бериши мумкин.
2. Бундай ариза икки ёки ундан ортиқ иштирокчи-давлатлар томонидан биргаликда берилиши мумкин.
3. Аризага 22-модданинг 1-бандида кўрсатиб ўтилган маълумотлар ва керакли ҳужжатлар илова қилинади.

24-модда. Ёрдам қабул қилувчи (бенефициар) иштирокчи-давлатлар роли

1. Мазкур Конвенция қоидаларига кўра кўрсатилаётган халқаро ёрдам бенефициар ҳисобланган иштирокчи-давлат ва Қўмита ўртасидаги битимга мувофиқ тартибга солинади.
2. Умумий қоидага биноан, бенефициар иштирокчи-давлат ўз ихтиёрида бўлган манбалардан келиб чиққан ҳолда халқаро ёрдам кўрсатилаётган меросни муҳофаза қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплашда иштирок этади.
3. Бенефициар иштирокчи-давлат Қўмитага номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш мақсадида кўрсатилаётган халқаро ёрдам қандай тақсимланаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.

VI. НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ЖАМ/АРМАСИ

25-модда. Жамғарманинг характери ва захиралари

1. Ушбу моддага мувофиқ «Номоддий маданий мерос жамғармаси» таъсис этилади ва у куйида «Жамғарма» деб юритилади.
2. Мазкур Жамғарма ЮНЕСКОнинг Молиявий маблағлари тўғрисидаги низомга мувофиқ мақсадли жамғарма ҳисобланади.
3. Жамғарма маблағлари:
 - (a) иштирокчи-давлатлар аъзолик бадалидан;
 - (b) ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан Жамғарма учун махсус ажратилган маблағлардан;
 - (c) бадаллар, тақдим этилган хайрия тушумлари ёки мерос қилинган мол-мулкдан:
 - (i) бошқа давлатлардан;
 - (ii) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги ташкилотлар ва дастурлар, хусусан, БМТнинг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлардан;
 - (iii) давлат органлари ёки хусусий ташкилотлар ёхуд шахслар томонидан;
 - (d) Жамғарма ҳисобига ўтказилган ҳар қандай устама фоизлардан;
 - (e) Жамғарма фойдасига ўтказилган тадбирлардан тушган маблағлардан ва тўпланган йиғимлардан;
 - (f) Қўмита томонидан ишлаб чиқилган Жамғарма ҳақидаги низомда қайд этилган бошқа турли хил маблағлардан ташкил топади.
4. Қўмита ресурсларни тақсимлаш бўйича қарорни Бош ассамблеянинг раҳбарий кўрсатмалари асосида қабул қилади.
5. Қўмита муайян лойиҳалар билан боғлиқ аниқ ёки умумий мақсадларга мўлжалланган бошқа шакллардаги бадалларни ва ёрдамни, бундай лойиҳалар Қўмита томонидан мақуллиниши шарт билан, қабул қилиши мумкин.
6. Жамғармага бадалларни тўлаш Конвенция кўзда тутилган мақсадларга мос тушмайдиган ҳеч қандай сиёсий, иқтисодий ёки бошқа шартлар билан ҳамроҳликда тўланиши мумкин эмас.

26-модда. Иштирокчи-давлатларнинг Жамғармага тўлайдиган аъзолик бадаллари

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат ўз томонидан кўшимча равишда ихтиёрий киритиладиган маблағларга путур етказмаган ҳолда Бош ассамблея томонидан аниқланадиган ҳар бир давлатга қўлланадиган ягона фоизли ставка суммаси миқдорида ҳар икки йилда камида бир маротаба аъзолик бадалини тўлаш мажбуриятини олади. Мазкур масала юзасидан Бош Ассамблеянинг қарори овоз бериш жараёнида ҳозир бўлган ва мазкур қатнашаётган модданинг 2-бандида кўзда тутилган баёнот билан чиқмаган кўпчилик иштирокчи-давлатлар овози билан қабул қилинади. Иштирокчи-давлатнинг тасдиқланган аъзолик бадали зинҳор унинг ЮНЕСКО одатдаги бюджетига тўлайдиган бадали миқдорининг 1% дан ошмаслиги лозим.
2. Лекин мазкур Конвенциянинг 32- ёки 33-моддаларида эслатиб ўтилган ҳар қандай давлат ўзининг ратификация тўғрисидаги ёрлиғини ёки қабул қилганлиги, тасдиқлаганлиги ёхуд қўшилганлиги ҳақидаги ҳужжатларини сақлашга топшираётган пайтда ушбу модданинг 1-банди, қоидаларига қўшилмаслиги ҳақида баёнот бериши мумкин.
3. Мазкур Конвенция иштирокчи-давлати ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган баёнотни бергандан сўнг ЮНЕСКО Бош директорини хабардор қилган ҳолда ўз аризасини қайтариб олишга ҳаракат қилади. Аммо аризани қайтариб олиш ушбу давлат бадалига нисбатан фақат навбатдаги Бош ассамлея санасидан эътиборан кучга киради.
4. Қўмита ўз фаолиятини самарали тарзда режалаштира олишини таъминлаш мақсадида ушбу модданинг 2-бандида кўзда тутилган баёнот берган иштирокчи-давлатлар ўз аъзолик бадалларини ҳар икки йилда камида бир марта доимий равишда ўтказиб туришлари лозим ва мазкур модданинг 1-банди ҳолати билан боғлиқ бўлганлари тақдирда ўзлари тўлаши керак бўлган бадал миқдоридаги суммага имкон қадар яқинлашишлари керак.
5. Ушбу Конвенцияга аъзо бўлган ҳар қандай давлат жорий ва бевосита ундан олдин ўтган календарь йили учун ўзининг мажбурий ва ихтиёрий бадаллари бўйича қарзга эга бўлган

тақдирда Қўмита аъзолигига сайлана олмайди; мазкур қоида биринчи сайловларга тегишли эмас. Қўмитага аъзо бўлган бундай давлатнинг ваколатлари, мазкур Конвенциянинг 6-моддасида кўзда тутилганидек, кейинги сайловлар даври бошланиши билан тугайди.

27-модда. Жамғармага қўшимча равишда ихтиёрий ўтказиладиган бадаллар

26-моддада кўрсатилганидек, аввалги бадалларига қўшимча тарзда ихтиёрий бадал киритмоқчи бўлган иштирокчи-давлат Қўмитани, у ўз фаолиятини режалаштириб олиши учун, бу ҳақда мумкин қадар тезроқ хабардор қилади.

28-модда. Маблағларни йиғиш бўйича халқаро кампаниялар

Иштирокчи-давлатлар Жамғарма учун маблағларни йиғиш бўйича ЮНЕСКО шафеълигида ташкил қилинадиган халқаро кампанияларни имкон қадар қўллаб-қувватлайдилар.

VII. ҲИСОБОТЛАР

29-модда. Иштирокчи-давлатлар ҳисоботи

Иштирокчи-давлатлар, Қўмита томонидан белгиланган шаклда ва даврийликда, мазкур Конвенцияни амалга ошириш мақсадида ўзлари томонидан қабул қилинган қонунчилик ва тартибга солувчи низомлар ёки бошқа чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини Қўмитага тақдим этадилар.

30-модда. Қўмита ҳисоботлари

1. Қўмита ўз фаолияти ҳамда, юқорида 29-моддада зикр этилганидек, иштирокчи-давлатлар ҳисоботларига асосланиб тайёрлаган ҳисоботини Бош ассамблеянинг ҳар бир сессиясига тақдим этади.

2. Мазкур ҳисобот ЮНЕСКО Бош конференцияси эътиборига ҳавола этилади.

VIII. ЎТКИНЧИ ҚОИДАЛАР

31-модда. Инсониятнинг оғзаки ва номоддий дурдоналари мероси эълон қилинганлиги билан алоқадорлик

1. Қўмита мазкур Конвенция кучга киришидан олдин эълон қилинган Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналарини Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритади.

2. Ушбу дурдоналарнинг Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилиши Қўмита томонидан 16-модданинг 2-бандига мувофиқ кейинги рўйхатга киритилишга доир ўрнатилган мезонларни ҳеч бир тарзда олдиндан инкор этмайди.

3. Ушбу Конвенция кучга киргандан сўнг ҳеч қандай кейинги эълон қилишлар амалга оширилмайди.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

32-модда. Ратификация қилиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш

1. ЮНЕСКОга аъзо-давлатлар ўзининг тегишли конституциявий қоидаларига мувофиқ тарзда мазкур Конвенцияни ратификация қилиши, қабул қилиши ва тасдиқлаши лозим.

2. Ратификация ёрликлари, қабул қилганлик ва тасдиқлаганлик ҳақидаги ҳужжатлар ЮНЕСКО Бош директориغا сақлаш учун топширилади.

33-модда. Қўшилиш

1. Мазкур Конвенция ЮНЕСКОга аъзо бўлмаган, Ташкилот Бош конференцияси ушбу конвенцияга қўшилишни тавсия этадиган барча давлатларнинг қўшилиши учун очиқ.

2. Мазкур Конвенция тўлиқ ички ўз-ўзини бошқарувига эга бўлган ва шундай мақомда Бирланган Миллатлар Ташкилоти томонидан тан олинган, бироқ Бош ассамблеянинг 1514 (XV) резолюциясига мувофиқ ҳали тўлиқ мустақилликка эришмаган ва ушбу Конвенцияни тартибга солувчи масалаларда ваколатга, шу жумладан ушбу масалалар бўйича шартномалар тузиш ваколатига эга бўлган ҳудудларнинг аъзо бўлиб кириши учун ҳам очиқдир.

3. Қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун ЮНЕСКО Бош директориغا топширилади.

34-модда. Кучга кириш

Мазкур Конвенция ратификация тўғрисидаги ёрликнинг ёки қабул қилганлик, тасдиқлаганлик ёки қўшилганлик ҳақидаги ҳужжатнинг ўттизинчиси сақлашга топширилган кундан уч ой ўтгандан сўнг кучга киради, лекин бу фақат белгиланган вақтда ёки вақтидан олдин қабул қилганлик, тасдиқлаганлик ёки қўшилганлик ҳақидаги ҳужжатларни сақлашга топширган давлатлар учун тааллуқлидир. Ҳар қандай бошқа иштирокчи-давлат учун мазкур Конвенция у ратификация тўғрисидаги ёрлик ёки қабул қилганлик, тасдиқлаганлик ёки қўшилганлик тўғрисидаги ҳужжатларни сақлашга топширишганидан сўнг уч ой ўтгандан кейин кучга киради.

35-модда. Федератив ва ноунитар конституциявий тизимлар

Қуйидаги қоидалар федератив ва ноунитар конституциявий бошқарув тизимига эга бўлган иштирокчи-давлатларга нисбатан қўлланади:

а) мазкур Конвенциянинг федерал ёки марказлашган қонун чиқарувчи ҳокимият юрисдикциясига нисбатан қўлланишида федерал ёки марказлашган ҳукуматнинг мажбуриятлари федерал давлат бўлмаган иштирокчи-давлатлар мажбуриятлари билан бир хил бўлади;

б) алоҳида федерацияга кирувчи, конституциявий тизимга мувофиқ қонуний чоралар қўришга мажбур бўлмаган штатлар, вилоятлар, провинциялар ва кантонлар юрисдикциясига нисбатан мазкур Конвенциянинг қоидалари қўлланар экан, федерал ҳукумат кўрсатилган қоидаларни штатларнинг, вилоятларнинг, провинцияларнинг ва кантонларнинг масъул бўлган ҳокимиятларига улар қабул қилишлари учун ҳавола этилади.

36-модда. Денонсация

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат мазкур Конвенцияни денонсация қилиши мумкин.
2. Денонсация ёзма акт ёрдамида қайд этилади ва ЮНЕСКО Бош директориغا сақлаш учун топширилади.
3. Денонсация денонсация қилганлик тўғрисидаги акт қабул қилинганидан кейин 12 ойдан сўнг кучга киради. У Конвенциядан чиқиш муддати кучга кирмагунча денонсация қилаётган иштирокчи-давлатни унга юклатилган молиявий мажбуриятлардан ҳеч бир тарзда соқит қилмайди.

37-модда. Депозитарий вазифалари

ЮНЕСКО Бош директори мазкур Конвенциянинг депозитарийси ҳисобланади, у 33-моддада қайд этилганидек ташкилотга аъзо-давлатларни ва аъзо бўлмаган давлатларни, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини, 32- ва 33-моддаларда қайд этилганидек барча ратификация ёрликлари тасдиқлаганлик ёки қўшилганлик тўғрисидаги ҳужжатлар, шунингдек 36-моддада қайд этилганидек денонсация қилганлик тўғрисидаги актлар сақлаш учун топширилганлиги тўғрисида хабардор этади.

38-модда. Ўзгартиришлар

1. Иштирокчи-давлат мазкур Конвенцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича ўз таклифларини ёзма равишда Бош директор номига йўллаши мумкин. Бош директор ушбу таклифларни барча иштирокчи-давлатларга юборади, агар юқорида қайд этилган хабар юборилган санадан кейин олти ой мобайнида иштирокчи-давлатларнинг камида ярми мазкур таклифга ижобий жавоб берса, Бош директор уни навбатдаги Бош ассамблея кун тартибига кўриб чиқиш ва лозим топса қабул қилиш учун тақдим этади.
2. Ўзгартиришлар овоз беришда ҳозир бўлган ва иштирокчи-давлатларнинг учдан икки қисми кўпчилик овози билан қабул қилинади.
3. Мазкур Конвенцияга ўзгартиришлар киритилганидан сўнг улар иштирокчи-давлатлар томонидан ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши керак.
4. Мазкур Конвенцияга киритилган ўзгартиришларни ратификация қилган, қабул қилган, тасдиқлаган ёки унга қўшилган давлатлар учун мазкур ўзгартиришлар иштирокчи-

давлатларнинг учдан икки қисми ушбу модданинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни сақлаш учун топширган кундан уч ой ўтгандан сўнг кучга киради. Қолган барча ўзгартиришларни ратификация қилмоқчи бўлган, қабул қилмоқчи бўлган, тасдиқламоқчи ёки унга қўшилмоқчи бўлган иштирокчи-давлатлар учун ўзгартиришлар уларнинг ратификация қилганлик, қабул қилганлик, тасдиқлаганлик ёки қўшилганлик ҳақидаги ҳужжатларни сақлаш учун топширилган кундан уч ой ўтгандан сўнг кучга киради.

5. 3- ва 4- бандларда ўрнатилган тартиб-қоидалар Кўмигага аъзо-давлатлар сонига доир бўлган 5-моддага киритилган ўзгартиришларга тааллуқли эмас. Бундай ўзгартиришлар уларни қабул қилган вақтдан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур Конвенцияга киритилган ўзгартиришлар ушбу модданинг 4-бандига мувофиқ кучга киргандан сўнг Конвенцияга қўшилган давлат, агар унинг ўзи бошқача муддао билан чиқмаса, у ҳолда:

- a) Мазкур Конвенциянинг ўзгартиришлар ҳисобига қайта кўриб чиқилган матн иштирокчисига айланади;
- b) тегишли ўзгартиришларга алоқадор бўлмаган ҳар қандай иштирокчи-давлатга нисбатан асл матнига ўзгартиришлар киритилмаган мазкур Конвенция иштирокчиси сифатида намоён бўлади.

39-модда. Матнларнинг аутентлиги

Мазкур Конвенция инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларида тузилган, ва бунда барча олти матн ўзаро тенг даражада аутентдир.

40-модда. Рўйхатга олиш

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми 102-моддасига мувофиқ мазкур Конвенция ЮНЕСКО Бош директори илтимосига кўра Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятида рўйхатга олинади.

Ушбу Конвенция Парижда 32-сессия Бош конференцияси Раиси ва ЮНЕСКО Бош директори имзолари билан икки аутентик нусхада қабул қилинди. Ҳар икки нусха ЮНЕСКО архивига сақлаш учун топширилади. Асл нусхаларнинг тасдиқланган кўчирмалари 32- ва 33-моддаларда кўрсатилганидек, ҳамма давлатларга ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига юборилади.

Юқорида келтирилган матн Конвенциянинг асл матни ҳисобланиб, Парижда бўлиб ўтган ва ёпиқ деб эълон қилинган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 32 сессиясида белгиланган тартибда қабул қилинган.

ТАСДИҚЛАШ МАҚСАДИДА унга ушбу конвенцияни имзоладилар...

Бош Конференция Раиси

Бош директор